



МАҲАЛЛА

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «МАҲАЛЛА» жамғармасининг нашри

№ 42-43 (269-270)

2001 йил 24 октябрь, чоршанба

Газета 1996 йил январ ойидан чиқа бошлаган

Сотувда эркин нархда

БАРҚАРОР ТИНЧЛИК — ЮРТИМИЗ РАВНАҚИ ТИМСОЛИДИР

ТЕРРОРНИ ҲЕЧ НАРСА ОҚЛАМАЙДИ

Инсон бу дунёга тинч яшаш, ҳаётнинг ўзига аталган барча неъматларидан баҳраманд бўлиш учун келади. Бундай олиб қараганда бу оддий ҳақиқатни ҳамма тушунадигандек.

Аммо унда нега алоҳида одамларни-ку қўяверинг мамлакатлар бир-бири билан урушади? Хўш, тинчликнинг бугунги кундаги терроризм деган энг ашаддий душмани нега юзага келди ва нега ўзининг ваҳшийна фаолиятини давом эттиряпти? Агар дунё аҳолисининг каттагина қисмини ўз этиқод доирасига қамраган Ислам динининг ҳар бир сўзи мағзини чақсангиз ҳам, фақат инсоннинг бахтли, тинч, фаровон, аҳлиликдаги яшашига даъват жанранглиди. Унда нега қўли қон, нияти ваҳшийлик бўлган террорчи ўзини муқаддас дин номидан иш тутатганига дунё аҳлини ишонтироқчи бўлади? Кўриниб турибдики, бу ҳолатларда бутун одамзот учун бир хил қонун бўлган ҳаёт ҳақиқати бузилмоқда. Буни ўша террорчи, бугун халқаро террор деб ном олганлар бузаяпти.

Мамлакатимиз Президент Ислам Каримов Америка Қўшма Штатларининг энг нуфузли шаҳарларида юз берган фожеадан кейинги дастлабки кунлардаёқ мустақил юртимизнинг бу террорчилик ҳаракатига муносабатини ўз сўзларида ифода этиб берган эди. Президентимиз журналистларнинг бу воқеага оид илк жавобидек, бу воқеага ҳар бир соғлом одам, ҳар бир нияти пок мамлакат қарши қўз билан қарашини, терроризмга, террорчилик курашида яқин бўлишини айтган эди. Таъкидланганидек, Ер юзидagi бир неча ривожланган мамлакатлар терроризмни таг-томири билан йўқ қилиб ташлашга қаратилган коалицияга қўшилиб, бу тadbирда бево-сита иштирок этмоқда. Юзга яқин мамлакат террорчилик ҳаракатини қоралади. Кўпгина мамлакатлар эса террорчиларни йўқ қилиш ишида ўзларига боғлиқ бўлган ҳолатларда имконият яратиб розилик бердилар. Бу нимани билдиради? Шубҳасиз бу терроризм биргина мамлакат ёки маълум минтақанинг эмас, бутун дунё

аҳлининг тинчлигига раҳна солувчи куч эканлигини бутун дунё аҳли англаб етганлигини билдириди. Шу нуқтаи назардан қараганда бу ҳаракатларга мамлакатимизнинг муносабатида шубҳасиз, ҳаётнинг ўзи, қолаверса одил ҳақиқатнинг ўзи талаб қиладиган йўл танланди.

Бугунги кунда дунё матбуот ва оммавий ахборот воситалари хоҳлайлик хоҳламайлик бизнинг бу ўриндаги муносабатимизга ва бундан кейинги ҳолатимизга ўз эътиборини қаратди. Лекин шов-шувдан ўзларига манфаат изловчи, қолаверса ўз қизиқिशлари нуқтаи назардан воқеани шарҳлашга одатланган баъзи хориж матбуоти ва оммавий ахборот воситаларининг баъзи бири сўзломлари ўзларича Ўзбекистон учун хавф-хатар ўйлаб чиқардилар. Қаранг, улар берган ахборотлар туфайли дунёнинг қайси бири бурчагидан яшовчи одамлар Ўзбекистон ҳаётидан ташвишланиб турсаю, ўша мухбир ёки шарҳловчи айтган заминда яшаётган аҳоли тинч-осуда ҳаёт кечираётган бўлса ва бу хабарни эшитиб ёқа ушласа. Бунинг устига мамлакатимиз Президентининг дунёнинг қўлаб мухбирлари олдидан бор ҳолатни очиқ-ойдин сўзлаб турган бўлса.

Мамлакатимиз Президентининг бу воқеага оид берган Баёнотида Ўзбекистон миллий Ахборот агентлиги мухбири саволларига берган жавобларида журналистларнинг бу ўйдирмаларига қарши очиқ жавоб берилди.

Хўш, бугунги воқеликка тўғри кўз билан қарашда, терроризмга қарши курашда фуқаролик жамиятининг асоси саналган маҳалланинг, унинг мутасаддиларининг ўрни қандай? Аввало мамлакатимиз маҳаллаларида фаолият кўрсатаётган оқсоқоллар, фаоллар, 54 мингдан зиёд маҳалла посбонлари ва уларнинг 7250 дан ортиқ сардори, 127 гуруҳда фаолият кўрсатаётган чегара посбонлари, бутун аҳолимиз ўз ҳушёрлигини, маъсулиятини

янада оширди. Мамлакатимиз ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари билан ҳамкорликда маҳалла посбонлари тушу кун фаолиятга ўтдилар. Маҳаллаларда ташкил этилган навбатчиликни одамларимиз кўз билан кўриб, тинч-хотиржам ҳаёт кечирмоқда.

Бугунги кунда чегара ҳудудларимизда чегарачилар, ички ишлар ходимлари билан ёнма-ён юрган чегара посбонларининг юртимиз ҳудуди дахлсизлигига ўз ўрни бўляпти. Улар ўз ҳудудининг ҳар бир жойини яқин билганликлари учун чегарачиларга яқин кўмакдош бўляптилар.

Маҳаллаларда воқеликнинг ҳақиқий манзарасини аён этиш, нотўғри хабарлардан одамларни холи қилиш учун тушунтириш ишларида оқсоқол, посбон, ҳуқуқ-тартибот ходимлари билан бирга депутатлар, олимлар, ижодкорлар ҳамкор бўлишмоқда. Улар билан учрашувлар, мулоқотлар уюштирилмоқда. Телевидение, радио, матбуот саҳифаларида, хусусан ўз нашримиз саналган «Mahalla» газетасида маҳалла оқсоқоли, фаоллари ҳамда диний улаомларнинг суҳбатларини уюштиришда ҳам маҳалланинг ўзи яқиндан кўмаклашмоқда. Энг муҳими бу тadbирлар бизнинг мамлакатимизнинг бу борадаги муносабати ҳаёт, ҳақиқат тақозоси эканлигини англаб етишга эришиляпти.

Айниқса, бу ишлар мамлакатимизнинг чегара ҳудудларида янада самаралироқ йўлга қўйилмоқда.

Бутун ҳар бир юрдошимиз бу ҳаракатларни кузатиб, баҳолаб бормоқда. Юртимиз маҳаллаларидаги ҳар бир тadbирда муҳокама якуни террорчининг ҳақиқий башараси очилиши ва уларга нисбатан нафрат туйғуси билан якун топмоқда. Ахир бутун Ер юзи кўз олдида содир этилган жиноятга ким ҳам нафрат кўзи билан қарамайди.

Сурхондарё

Асли ўқитувчиман. Умрининг қарийб қирқ йиллиги ёшларга таълим-тарбия беришга бағишладим. Мактабга директор ҳам бўлдим. Бошқа масъул вазифаларда ҳам ишладим. Ҳозир туман Оқсоқоллар Кенгаши раисиман. Илгари терроризм ва унинг офатлари тўғрисида айрим адабиётлардан, газеталар саҳифаларидан ўқир эдим.

Юртбошимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Истамбул Саммити минбаридан туриб, терроризм ислом дини ниқоби остида хуруж қилаётганлиги тўғрисида бонг уриб, барчани ҳушёрликка даъват этган эдилар. Америка ва Европадаги ривожланган давлатлар раҳбарла-

УЗОҚНИ КЎРГАН ЮТАДИ

ри бунга стартича эътибор бермадилар. Терроризмга қарши курашадиган марказ тузиш керак, деган башорати уларни бепарқ қолдириди. Ҳа, узоқни кўра билиш ҳаммага ҳам насиб этмайди. Бу эса америкаликларга қимматга тушибди.

Дунё халқлари қўлини қўлга бериб терроризмга қарши шафқатсиз кураш олиб борадиган пайт етди. Негаки, терроризм юксалиш, тарққийи йўлидаги юв.

Бу биргина менинг фикрим эмас, икки юз мингдан ортиқ деновиқ фуқароларнинг, бир юз ўттиздан ортиқ маҳалла, қишлоқ йиғинлари оқсоқолларининг қалб амридир. Яқинда Денов туманида ўтказилган йиғилишда сўзга чиққан оқсоқоллар ана шулар тўғрисида ташвишланиб гапирди. Зеро халқ сўзи ҳақ сўз.

Абдувоҳид ПАРДАЕВ, Денов туман Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси туман бўлима-маси раиси, Республика Оқсоқоллар Кенгаши аъзоси.



Маҳалламиз одамлари саховатли

ЎЗИМИЗНИНГ ЖАМҒАРМА БОР

Юртимизда бир нечта республика миқёсидаги хайрия жамғармалари борлигини яқини биламиз. Буни қарангки, Қашқадарё вилояти Касби тумани «Қашқадарё» ширкат хўжалигидаги Пандирон маҳалласининг ўз хайрия жамғармаси бор экан. Маҳалланинг хайрия жамғармасини маҳалладаги «Ражаболов ота» фермер хўжалиги, «Мурод бобо» хусусий савдо дўкони, Носир Назаров, Фуқрат Фуломов, Нажим Орзиқулов, Маҳмуд Эшонқулов, Чори Шодмонов, Акрам Чўлиев, Зариф Комиллов, Янгибой Эргашев, Соҳиба Ибрагимова, Рустам Тангиев ва Жўра Бердиев каби саховатпеша одамлари баҳолиқудрат моддий қувватлаб турар эканлар.

Хайрия жамғармасидаги маблағ аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, мавжуд ўқув масканларини таъмирлашдан ортиб, Мустақиллик байрами арафасида истиқлолга тендош 11 нафар болажонни тантанали муборақлашга ҳам етибди. Бундан ташқари, ўқув йилининг бошида ҳам таъминланган оилаларнинг ўқувчи фарзандларидан 12 нафарига мактаб либоси совға қилинибди. Вилоят касабга уюшмалари раиси Эсон Ражабовнинг ташаббуси билан эса ўқувчиларга икки юз минг сўмлик ўқув қуроллари ва дарсликлар тортиқ этилибди.

Маҳалламизда 11 нафар уруш фахрийси, 81 нафар ногирон, 37 нафар бokuвчисини йўқотган оила, 255 нафар нафақахўр ва 5 нафар байналмиқалл жангчи яшайди. Хайрия жамғармасини маҳаллоашларимизга моддий-маънавий мададкор бўлиш мақсадида тузгандик. Худода шукр, ниятимизга этиб турибмиз, - дейди маҳалла оқсоқоли Хусниддин Ибрагимов.

Аҳмад МИРАКОВ.

Қашқадарё.

СОННИНГ

2-саҳифасида:

- Янгийўлнинг янги ҳокими нима дейди?
- «Халқаро террорчиларнинг пайи қирқилиши зарур!»

3-саҳифасида:

- «Чимилдиқ»ни неча марта кўйиш мумкин?
- Маҳаллада бўлажак футбол юлдузлари бор. Уларни илғайдиган одам йўқ, холос!
- Кўлингиз рулдан, кўзингиз йўлдан толмасин!

4-саҳифасида:

- Ипак йўлига кетган карвонларни қўшиқ куйлаб кузатганлар, қўшиқ куйлаб соғинганлар.
- Карнайнинг «гат-гути»ни нотага солган созанда.
- Қадимда ботирлар йўлбарс терисини ёпиниб юришган.

Андижон вилояти

«Обуна-2002»

Тошкент шаҳри

ОБУНАЧИ РАФБАТЛАНТИРИЛАДИ

Яқинда Андижон вилояти Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими бошқаруви ўзининг қўша қарорини «Mahalla» газетасининг 2002 йилиги обунасининг аҳоли ўртасида тартиб қилинишига бағишлади. Ўзинида бўлса, бу пайтлар аҳолини нашрларга обуна қилиш учун қандайдир мажбурий чоралар қўлланар эди. Энди-чи...

Авалло биз вилоят маҳалла тизими мутасаддиларидан газетга бўлган муносабатини ўргандик, - дейди вилоят Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими раиси Аминжон Солиев. - Муносабатлар шундай бўлдики, «Mahalla» газетаси фаолиятимиз учун, қолаверса маънавий-маърифий ҳаётимиз учун энг зарур нашр деб эътироф этилди. Шу билан бу нашрга обуна тadbирларини зарур деган хулосага ҳам келидик.

Шундай қилиб, мазкур ҳарорат қайд этилишича, жамғарманинг «Mahalla» газетасига 2002 йил учун обуна уюштиришда тартибот ишларида алоҳида фаолият кўрсатган мутасаддиларини рағбатлантириш мақсадида вилоят бўлими томонидан бир миллион сўм маблағ ажратилди...

Хўш, бу маблағ фаолларга қандай йўл билан етиб боради. Туманда ёки шаҳарда ҳар бир маҳалла бир донандан обуна бўлиши, бу режа ҳисобланади. Ундан ошган ҳар бир дон обуна учун жамғарманнинг туман ёки шаҳар бўлимига минг сўмдан мукофотланади. Айтайлик, 50 та маҳалла бўлган туманда 100 дон обуна бўлиши бўлимага 50 минг сўм мукофот олиб келади.

Шунингдек, қарорга кўра барча маҳаллалари «Mahalla» газетасига обуна бўлиб улгурган қишлоқ, шаҳарча фуқаролар йиғинлари, жамғарманнинг туман, шаҳар бўлимилари шу газетга бари донандан вилоят бўлими маблағидан обуна билан тақдирланади.

Шундай қилиб, Андижонда нафақат нахта этиштириш технологияси балки мағрифат технологияси ҳам янгиликларга бой бўлмоқда.

Ўз мухбиримиз.

МУШТАРИЙЛАР БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

Бизнинг бугунги, обуна мавсумидаги барча саъй-ҳаракатларимиздан кўзланган мақсад бизнинг ҳоқ уйингиздаги, ҳоқ ишонангиздаги иш столингизда айнан бизнинг нашр учун ажратилган жойини олдиндан банд этиб қўйишдир.

Ҳар бир тармоқ нашрининг асосий обуначиси бўлади. «Mahalla»га эса, жуда тўғри аниқлаганингиздек, асосий обуначи - маҳалла ҳаёти билан машғул мутасаддиларидир. Шунинг учун ҳам биз тизим пайтадаги «Хорман!» Бор бўлини!» каби мулозаматлардан кейин бериладиган «Mahalla»га обуна бўлинишимиз» қабилидаги саволигимиз билан ўз муштарийларимиз хузурига ошдик.

Пойтахтимизда 450 дан ортиқ маҳалла бор, демек, худди шунча оқсоқол, масъул котиб, посбонлар сардори ҳам бор. Бундан ташқари туман Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлимидаги одамлари ҳам мавжуд. Айнан шу одамлар «Mahalla» газетаси обунаси учун жонкуяр бўлишлари керак. Таъкидлаш жоизки, ўзимиз умид қилганингиздек, аксарият туманларда ана шу жонкуярликнинг шохиди бўлади. Бир туманда эса... «Менинг асосий вазифам бошқа, бу ерда илтимом қи-

Дехқончиликда ҳосилин йиғиш мавсуми, чорвачиликда қўзилаштиш мавсуми, газетачиликда эса обуна мавсуми энг тизим пайт ҳисобланади. Аввалги икки соҳада тизим пайт Табиат қонунига биноан бўлса, газетачиликда обуна мавсуми Матбуот қонунларига асосан кечади.

лишгани учун қарашиб турибман, бунинг учун маош ҳам олмайман. Балки эрталаб мен бу ерда ишламасман...», дейди жамғарма бўлинимиз раиси. Аслида иш ҳақи олмайдиган ходимдан обунани талаб қилмоқчи эмасдик, тартибот ишида ёрдам сўраш ниятида эдик холос. Аммо иш ҳақи олмайман, деб турган, масъулиятни ўзига олмаган ходимнинг фаолиятидан Чилонзор тумани маҳаллалари қандай наф қўрипти экан? Ҳар нима бўлганда ҳам, омонат раисимиз бир фикрларидан муғлақ ҳақлар. У киши айтганларидек, «Газетани мунтазам олиб туриш биринчи навбатда оқсоқолнинг ўзига фойдали!»

Бир вақт бир муштарий оқсоқол тахририятдан ўпкалаб қолдилар. - Нега программани бер-

учун маҳалла ҳаёти билан қизиқадиган оқсоқол зарур.

Шунингдек, пойтахтимизнинг Акмал Икромов, Сирғали туманларида худди шу мақсаддаги учрашувимизда тамоман ўзгача ҳолатга дуч келидик. Бу туманлар мутасаддилари, оқсоқоли котиблар «Mahalla»га мамнуният билан обуна бўлишларини изҳор қилишди.

Умуман олганда, бу йилги обунадан қўлимиз тўқ. Нашримизга обуна бўлувчилар сони йилдан-йилга ортиб бораётгани ва олийга тазеҳонларнинг ҳам обуначилар сафига қўшилиётгани бизни қувватлантирди.

Мухтарам газетчи! Орангизда «Mahalla»ни дўконлардан тополмай сарсон бўлганидан, келаси йил албатта «Mahalla»га обуна бўламан, дея дилингизга тукканлар аниқгина, буни биламиз. Агар кўнглингиз хотиржамлигини ҳамма нарсалдан устун қўйдиган бўлсангиз, энди бошланган обуна мавсумининг боширадек, яъни шу тобадек обуна бўлиб олинг. Борди-ю, йил охиригача вақт бор, ҳали улгураман, десангиз... яна ютқизасиз. Гап-гап билан бўлиб, обуна бўлишни унутиб қўймасангиз бўлди.

Маълуд КАСИМОВА, «Mahalla» мухбири.

МАHАЛЛА

Ўзбекистон Республикаси
Давлат матбуот қўмитасида
00123-рақам билан рўйхатга
олинган.

Тахририят манзили:
Тошкент,
Буёқ Турон кўчаси, 41-уй

Нашр кўрсаткичи: 148

Телефонлар:
Хатлар бўлими: 136-53-75,
масъул котиб: 136-53-75
ижодий бўлимлар — 136-53-82.

Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.

Мақола ва хабарлар мазмунини, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

E-mail: mahalla@gazeta.silk.org

Маҳалла, ҳокимият — моҳият

ЯНГИЙЎЛНИНГ ЁРҚИН ЙЎЛИ



дамда Сизниг «чўчиброқ» турди деган сўзингиздан ҳам сезилиб турибди. Яъни маҳаллалар бу ваколатларни эълай олармикин, деган хавотир бор?

Бундай хавотир бўлиши ҳам табиий. Бундай хавотир шахсан менда ҳам бор. Чунки дастлабки қадамларда баъзи ўринларда бу ваколатларни эълай олмаган маҳаллалар ҳам бўлапти. Лекин ҳаёт, фаолият нимадан иборат ўзи? Изланиш, курашиш, янгиланишлардан иборат эмасми? Қайси янгиланиш тўғрисида, ўз-ўзидан юзага чиққан. Хўш, бу ваколатларни маҳалла эълай олмаган вақтда биз - давлат органларининг айби йўқми? Биз нега амалий ёрдам, йўл йўриқ кўрсатиш ўрнига, унинг хатосини кўтишимиз керак. Маҳалла ўз ваколатлари билан бизнинг аппарат тузимимиздан ажради, лекин худудий чегарамиздан, фаолият бирлигидан четда эмаску, мақсаллар, ҳокимият ва маҳалла муносабатлари доимо бир йўналиш касб этади. Демак ваколатларни бериш ва унга қўмаклашиш лозим.

Маана энди бевосита Янгийўл тумани маҳаллалари ҳаётига қайтсак. Сиз янгидан иш бошлаганда бу борадаги ишни нимадан бошладингиз ва қандай натижаларга эришилди?

Шаҳарда 12 та маҳалла бор. Янада аниқроқ фаолият кўрсатиш, яъни маҳаллаларга янада яқинроқ бўлиш учун 6 та округ ташкил этилди ва ҳар бир округга ҳоким ўринбосарлари бириктирилди. Биринчи масала маҳалла, унинг ҳудудиди яшовчи аҳоли аҳволини ўрганиш бўлди. Шундай қилиб, кўтилганидек биринчи муаммо маҳалла ваколатларидан бири бўлган коммунал хизмат ва унга бўлган тўловлар масаласи бўлди. Муаммо сабабини аҳоли старли хизмат кўрсатилмаётганидан деб айтсак, хизмат кўрсатувчилар аҳоли пулни тўламаётганидан деб айтди. Бундай оlib қараганда ҳар икки ваз ҳам тўри. Хизмат бажарилмаётгани учун пул тўланмаган, пул тўланмагани

ушун хизмат кўрсатилмаган. Бу ўринда ҳокимлик ўртада туриб, ҳар иккала ишни бир вақтда бошладик, яъни тўлов ҳам бошланди, хизмат кўрсатиш ҳам. Шу мақсадда фаолияти фақат ўз ходимларининг маош олиши учун стабил хизмат кўрсатиш муассасаларининг баҳридан ўтиб, маҳаллалар қошида ширкатлар тузишга ҳам тўғри келди.

Бу ўринда шубҳасиз маҳалла оқсоқоли фаолиятини ҳам тубдан ўзгартириш зарурияти сезилиб турди. Тўғри, биз бу ишларни бошлаганда оқсоқоллар сайланиб бўлган, шаҳарда уларнинг маълумот даражаси мақтанарли эмас эди. Аммо бунинг ўрнини тўлдирish мумкин. Яъни округларга ҳоким ўринбосарлари бириктирилиши, қолаверса, шаҳар Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси туман бўлини маси раиси Раймон Қаршиев фан номзоди, тажрибали олим. Хотин-қизлар билан ишлашга маъсۇл бўлган ходимлар кўпроқ олий маълумотли педагоглар, тарбиячилар, идора ходимларидан бўлиб, уларга йигин раиси муовини даражасини бердик. Оқсоқолларга маҳалла ҳаётига аралашадиган қўлаб ташкилотлар фаолиятини координация қилишга йўл очдик. Олайлик, маҳаллада ширкат худудиди ва маҳалла санитария, уй-жойдан фойдаланиш ишими, ҳатто мактаб, боғча ҳам унинг фаолияти орқали маълум томонлардан бошқарилади.

Ҳар бир жойнинг ўзига хос муаммолари бор. Ҳалиги ўрганишлар оқибатида маҳаллалар ичи йўллари носозлиги аниқланди. Бунинг учун оталик ташкилотларни жалб этдик. Ҳозиргача ўнлаб кўчаларимизда асфальт ётқизилди. Кўп қаватли уйлар сони 220 та. Буларни таъмирлашни бошладик. Бунда ҳар бир маҳаллада янгидан тузилган ширкатлар асосий иш бажарувчидир. Сир эмас, бу ширкатлар ўзини тиклаб олунча шу ишларга моддий қўмак ҳам ажратилапти. Кўп жойда бўлганидек, ичимлик суви, оқар сув, газ муаммолари ҳам эътиборимизда ва бу борада жиддий ҳаракатлар бўлапти.

Шуни айтиш керакки, бу муаммолар барча оқсоқоллар, фаоллар иштирокида аниқланди ва буни бартаф этишга ҳам бош-қош бўлишга уларнинг ўзи ўргатилмоқда.

Маҳалла ҳаётида жиддий ўзгаришлар нималарда кўринапти? Қандай тажрибалар йўлга қўйилапти?

Биласизми, иш бошлаганимизда шаҳарда «Маҳалла» жамғармасининг бўлини маси йўқ экан. Бусиз эса ишнинг қандай бўлишини тасаввур қилаверинг. Ҳозир шу бўлини орқали ўзларининг мувофиқлаштирувчи органи Оқсоқоллар кенгашини тузиб, ўз ишларини олиб

боришапти. Маҳалла идоралари йўқ маҳаллалар, идораси пана-пастқам жойларда, таъмир талаб маҳаллалар кўп эди. Аксинча, ёнидаги солиқ ёки бошқа бир идоралар эса ҳашаматли. Олдин бир мисол: каттагина бир бино маҳит деб аталар экан. У маҳит сифатида рўйхатдан ҳам ўтмаган, намозхонлар билан гавжум ҳам эмас. Биз ўша бинонинг ярмини маҳалла идорасига берилиш масаласини ўртага қўйдик, аҳоли кимлардир бу ўринда ҳам гап-сўз кўтарди. Хўш, маҳалла аҳли ихтиёридаги бу бино кимга берилди, давлат идораларига эмас, аҳолининг ўзига яъни фуқаролар йиғинига берилди. Қизғини шундаки, баъзи бир саводсиз илғовгарлар маҳаллани давлат муассаси деб ўйлашар экан.

Ҳозир ҳар бир маҳалланинг ўз паспорти бор. Агар ҳокимият идорасидан, ёки туман Оқсоқоллар кенгашидан ҳар қайси соатда қайси маҳаллага оид ахборот сўралса, беш қўлдек айтиб бериши имкониятимиз бор. Ҳа, бизда маҳалла ҳаётига оид аҳоли тажрибаларимиз бор. Аммо шу билан бирга оқсоқолларимизни мамлакатимизнинг турли худудлари тажрибасидан ҳам баҳраманд қилаймиз.

Зафар ака, ҳозирги кунда маҳалла ҳаётининг бир қўриғини бу аҳоли ўртасидаги турли талбирлардир. Сизнинг эсингизда қолган энг яхши талбир борми?

Аввало уюштирилган ҳар бир талбир, ёки йўлга қўйилган иш инсон ҳаётига дахлдорлиги билан қадрли. Барча ишларимиз кишилар манфаатига қаратилганлиги мени мамнун этади. Шаҳримизда «Мадина» номи респотан бор. Унда асосан ўзига бақувват одамлар ўтиришади, дам олишади, талбир ўтказишади, ўтириб таом ейишади. Муваққиллигимизнинг 10 йиллиги арафасида шаҳримиздан кам таъминланган, ёлғиз, ёки ногиронлардан 500 кишини худди шу масканга таклиф этдик. Бу ерда бой-бадавлат кимсалар қандай базм курса, қандай таомлар еса, қандай томоша уюштирса шуларнинг барчасини муҳайё қилдик. Улар шаҳримизнинг энг бообрў кишилари билан бирга худди бой-бадавлат кишилар қандай базм қилинса шундай ўтиришларига имкон яратдик. Улар ўзларини шу кунни шаҳримизнинг энг тўкин яшовчи одамларидек ҳис қилишди. Каттагина совға-саломлар олишди. Сўнг кўзларида ёш билан мустақил юрт, унинг йўлбошчисини ҳаққига дуолар қилишди. Шу кунни улар маънан энг бой эдилар.

Сўхбатдош: Ч. ЛАТИПОВ.

UZSANOATQURILISHBANK



МУҲТАРАМ МАҲАЛЛА ДОШЛАРИ!

Азалдан иқтисодийнинг саноат ва қурилиш соҳаларига хизмат кўрсатиб келаётган, республикамиздаги қадимий банклардан бири **Ўзсаноатқурилишбанк 3 млрд. сўм миқдорда чиқарилган акцияларнинг IV эмиссиясини сотиш ва жойлаштиришни давом эттиради.**

Сизга **Ўзсаноатқурилишбанкнинг номинал қиймати 1500 сўм бўлган имтиёзли акцияларини сотиб олишни таклиф қиламиз. Акцияларга тўланадиган дивиденд йиллик 50 фоиздан иборат бўлиб (2000 йил натижалари кўра), унга ҳар чоракда пул ўтказиб тўлаб борилади ва шу йўл билан банк маблағинизнинг кўпайишига муносиб ҳисса қўшади. Бизнинг акцияларимиз Сизга кафолатланган даромад келтиради ва мамлакатимиз иқтисодий ривожига хизмат қилади. Шунингдек, Сиз акцияларини совға қилишингиз, мерос қолдиришингиз ва истаган вақтингизда сотишингиз мумкин. Акцияларимизни харид қилиш тартиби содда, расмийлаштириш чиқимларини банк ўз зиммасига олади. Акцияларни Ўзсаноатқурилишбанкнинг исталган шохобчасидан сотиб олишингиз мумкин.**

Дивидендларнинг ўз вақтида тўланишига банк берадиган ишончли кафолат ва унинг фаолиятида иштирок этиш имконияти - бу Сиз танлаган энг мақбул йўлдир!

Сизнинг даромадингиз - бизнинг ютуғимиз!

Мурожаат учун телефонлар:
120-45-09, 120-45-73, 133-28-93.

3, Shakhrisabz, str., GSP 700000
Tashkent, Republik of Uzbekistan



Маҳаллада меҳнат бозори

олганлигимизни англаб турибмиз. Президентимиз маҳаллаларга ваколатлар бердилар. Бунинг замирида қандай ҳаётий ривожланиш, керак бўлса ўзимизга хос стратегия йўналиш борлигини англамаган раҳбаргина маҳалла билан ишлашда фаолият кўрсатмайди, худди шундай раҳбаргина унга ваколатлар беришдан чўчиброқ туради.

Зафар ака, шу ўринда маҳаллага ваколатлар бериш масаласида баъзи бир мулоҳазалар ҳам бор. Бу айна

ридли. Биринчи масала маҳалла, унинг ҳудудиди яшовчи аҳоли аҳволини ўрганиш бўлди. Шундай қилиб, кўтилганидек биринчи муаммо маҳалла ваколатларидан бири бўлган коммунал хизмат ва унга бўлган тўловлар масаласи бўлди. Муаммо сабабини аҳоли старли хизмат кўрсатилмаётганидан деб айтсак, хизмат кўрсатувчилар аҳоли пулни тўламаётганидан деб айтди. Бундай оlib қараганда ҳар икки ваз ҳам тўри. Хизмат бажарилмаётгани учун пул тўланмаган, пул тўланмагани

ТИНЧЛИК ВА ТОАТ ЙЎЛИ

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм

Аллоҳ таоланинг гўзал исмларидан бири «меҳрибон ва раҳмдил»дир.

Ҳар ишни бошлашдан олдин айтиладиган «Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм» отида ҳам ушбу маъно муҳассам. Бу бежиз эмас, албатта. Исломи дини инсонларни мушфиқ ва меҳрибон бўлишга қўндайди. Пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом бу борада шундай дейдилар: «Ким инсонларга нисбатан меҳрибон бўлса, Аллоҳ унга нисбатан меҳрибон бўлади».

Минг афсуски, ҳозирги кунда ўзини мусулмонман деб юрган бир гуруҳ галамаси кишилар — халқаро террорчилар исломнинг «меҳр ва шайқат» каби олий қадриятини нутибди, тинч аҳолининг ҳаловатини бузмокдилар. Уларнинг гўё исломнинг жонкуяри сифатида кўрсатмоқчи бўлиб, гаразгүй ҳаракатларини «жиҳод» деб ниқобламоқдалар. Ваҳоланки, улар «жиҳод»нинг ҳақиқий маъносини билмайдилар.

Ҳозирги кунда Афғонистонда жойлашиб олган террорчи галамислар бошларига келиши мумкин бўлган ҳалокатдан қўрқиб, дунёдаги мусулмонларнинг иззат нафсига тегиш ва натижада динлардо қураш қўзғаш

нинг заминимизда туғилиб, уларнинг муборак ҳоклари шу муқаддас туپроқда мангу ором топган. Мана шундай хур диёрда яшаётган тинчликсевар халққа қарши жиҳод эълон қиламиз, деб дўқ ураётган ваҳший ва манфур кимсаларнинг аслида ислом динига ҳеч қандай алоқаси йўқлигини шунинг ўзиёқ исбот этмайди?

Шу кунларда жаҳон жамоатчилигининг бутун фикри-зиқри Афғонистонга қаратилганлиги бежиз эмас. Бу ердаги мураккаб вазият барқарорлашиб, тезроқ тинчлик ўрнатилиши бутун дунё халқлари учун жуда ҳам муҳимдир. Шу бонис, халқаро террорчиларнинг пайи қирқилиши зарур.

Шунингдек, Афғонистондаги террористик лагерларга қарши қилинаётган ҳужумлар тинч аҳолига зарар етказмаслиги керак. Афғонистондаги террорчиларга қарши АҚШ ва ер юзидидаги бошқа мамлакатлар кураш олиб бораётган экан, халқаро терроризмининг ўзигагина

зарба берилаётганлигини англаш лозим. Америка ҳукумати ҳеч қачон Исролга ва мусулмонларга қарши курашга ҳаракат қилмайди. Бу ҳозирда ҳаммага яхши аён. Шунинг учун бу кураш мусулмонларга қарши бўлапти, деган фикрлар ҳам мутлақо ўринсиз.

Куръони каримда: «Яхшилик ва тақво йўлида ҳамкорлик қилинг, гуноҳ ва душманлик йўлида ҳамкорлик қилманг!», дейилган. Бу ояти каримадан шу нарса маълум бўладики, эзгу ният йўлида ҳамкорлик қилиш ер юзидида тинчликнинг барқарор бўлишида бош омилдир. Пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг муборак ҳадиси шарифларида: «Тинчлик ва хотиржамлик икки удуғ неъматдир», бундан кўп одамлар маҳрумдирлар», дейилган.

Дарҳақиқат, Аллоҳ таоланинг улуғ неъматини бўлиши тинчликдан баҳрамандлик ҳаммага ҳам бирдек насиб

этавермайди. Чунки, дунёнинг турли бурчларида ёвузликлар, ноҳақ қон қувишлар бугунги кунда маңфур кимсалар, халқаро террорчилар томонидан содир этилмоқда.

Табиб табиб эмас, бошидан ўтказган табиб, дейди доно халқимиз. Шу маънода ҳамюртларимиз халқаро терроризм нима эканини жуда яхши билади.

Шу ўринда Президентимизнинг халқаро терроризм тинчликнинг қушандаси, инсоният бошига тушган қулафат эканлиги, бундай жирканч иллатга қарши биргалликда курашни лозимлиги ҳақида кейинги йиллар давомида қайта-қайта таъкидлаб келганларини эслаш жоиздир. Ниҳоятда хушёр ва сергак туриб барчамизни огоҳликка чорлаб турган давлатимиз раҳбарининг бундай эзгу ишларини доимо қўлаб-қувватлашимиз керак.



Бувижон, келинг суратга тушамиз!

Хоразм

Урганч шаҳридаги Умид маҳалласида Хоразм вилоятида фаолият кўрсатаётган «Ёшларни қўлаб-қувватлаш жамияти» но-тижорат, нодавлат ташкилоти ташаббуси билан ёшлар клуби ташкил этилди.

Клубни ташкил этишдан қўзланган мақсад - «14 дан 25 ёшга бўлган ёшлар орасида наркомания ва ичкиликбозликнинг олдини олиш», деб номланган махсус лойиҳани амалга оширишдир.

Лойиҳа ва ёшлар клубини ташкил этиш гоёси «Ёшларни

Маҳаллада ёшлар клуби

қўлаб-қувватлаш жамияти» фаоллари томонидан Умид маҳалласида иктомий суров ўтказилганда сўнг пайдо бўлди.

«Сўролда иштирок этган маҳалла аҳли наркомания ва ичкиликбозликка қарши кураш долзарб вазифа эканлигини қайд этишди. Ушбу лойиҳа Хоразм вилоятида Американинг Каунтерпарт Консорциум халқаро жамғармаси томонидан ажратилаётган грантлар асосида қатор иктомий дастурларни амалга ошириш учун ташкил этилган йил-лоят фуқаролик жамиятини қўлаб-қувватлаш маркази ёрдамида ишлаб чиқилди.

— Лойиҳада турли талбирларни, хусусан, маъзуга оид учрашувлар, мунозаралар, «Маҳалла ёшлари - соғлом турмуш тарзи учун» ширини остида спорт мусобақаларини ташкил этиш ва ўтказиш кўлаб тутилган, - дейди «Ёшларни қўлаб-қувватлаш жамияти» раҳбари ва янги ёшлар клуби директори Б.Шукуров.

Т.ШАМАКОВ, У.А.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ ПАНОРАМАСИ



ВЬЕТНАМДА КУЙДИРГИ ЙЎҚ, ЛЕКИН УНГА ҚАРШИ ЧОРАЛАР БОР

✽ ХАНОЙ. Вьетнамда куйдирги касаллиги тарқалишининг олдини олиш учун почта алоқаси тизимида хавфсизлик чоралари кучайтирилмоқда. Почта ва телекоммуникация бошқармаси вакили Чан Дик Лайнинг айтишича, шу кунга қадар почта орқали захарли қуракун жўнатиш ҳоллари кузатилмаган. Шунга қарамай, ҳозир халқаро ташкилотларнинг барча ваколатхоналарига ва ҳукумат раҳбарларига келаётган хатлар синчковлик билан текширилмоқда.

ГАРОВГА ОЛИНГАНЛАР ТАҚДИРИ НОМАЪЛУМ

✽ МАНИЛА. Филиппина ҳукумат ҳарбийлари томонидан «Абу Сайёф» экстремистик гуруҳининг ўн саккиз нафар жангариси ўлдирилди. Ҳозир бу гуруҳга қарши мамлакатнинг бошқа худудларида ҳам ҳарбий ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

Жангарилар томонидан гаровга олинган ўн киши, жумладан, улар орасидаги икки нафар АҚШ фуқаросининг тақдирини номаълумлигича қолмоқда.

МИЛЛИОНЛАРНИ ОДДИЙ ЛОМ ЁРДАМИДА ЎҒИРЛАШДИ

✽ ТОКИО. Япониянинг Кобе шаҳрида номаълум кишилар почта бўлимидан умумий қиймати 162,35 миллион иенга тенг бўлган маркаларни ўғирлаб кетди. Полициячиларнинг гапига қараганда, бундан ташқари 350 миллион иен миқдоринда нақд пул ҳам йўқолган. Ўғирлар почта биноси эшигини оддий лом билан бузиб кирган.

ВАЗИРНИНГ ТАБИАТ БИЛАН НИМА ИШИ БОР?

✽ ОТТАВА. 17 ноябр кун Канада пойтахтида қатор давлатлар молия вазири ва марказий банклари бошлиқлари учрашади. Шу кунни табиатни муҳофаза қилувчилар ҳаракати, касба уюшмалари гуруҳи ҳамда талабалар ўза-ро бирлашган ҳолда норозилик намойиши ўтказишни режалаштирмоқда. Пойтахт маъмурияти эса, анжуман арафасида шаҳарда хавфсизлик чораларини кучайтиришни ташкил қилади.

(ЎЗА)

